



ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

Хасанов Шохжаҳон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси,
мустақил изланувчиси,

Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7427359>

ARTICLE INFO

Received: 30th November 2022

Accepted: 10th December 2022

Online: 12nd December 2022

KEY WORDS

Прокурор назорати,
таъсирчан прокурор
назорати, иқтисодий соҳада
прокурор назорати, солиқ
органлари устидан прокурор
назорати.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда прокуратура органлари томонидан солиқ ва божхонага оид қонунлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, жамиятда ушбу соҳада қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг самарали рўёбга чиқарилиши – мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг ўз

ABSTRACT

Мазкур мақола прокуратура органлари томонидан назорат қилинадиган энг асосий йўналишлардан бири бўлган иқтисодий соҳага оид қонунчилик, хусусан солиқ органлари устидан таъсирчан прокурор назоратини амалга оширишнинг ўзига ҳос хусусиятларини ёритиб беради.

вақтида тўланишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу каби, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва янги вазибалари прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишни, шу жумладан, қонунийлик аҳволини тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган чоратадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришни талаб этади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан солиқ интизомини



мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жинойтлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади¹.

Шунга кўра, асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат бўлган прокуратура органларига алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, қонуннинг устиворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан ҳалос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устиворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий мунособатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар билади”².

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 9-10-сон, 2017 й., 13-сон, 194-модда.

² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишининг ўзига хос йўли. –Т.: 1998, –Б.126.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдан буён ҳар йил ўтказилаётган президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам солиқ ва божхона интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга барҳам бериш ҳамда бу соҳада прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига такрор ва такрор асосий эътибор берилаётгани прокуратура органларининг масъулиятини янада оширмақда десак адашмаган бўлаемиз.

Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратишимиз лозимки, ўрганилаётган мавзунинг, яъни солиқ органларида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталишдан олдин ушбу масалага оид атамалар ва уларнинг мазмунини аниқлаб олиш лозим. Чунки солиқ қонунчилигидаги тушунчалар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўғри ва тўлиқ ундирилиши, солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш нафақат солиқ органи ходими балки солиқ органи фаолияти устидан назорат олиб боровчи прокуратура органи ходими учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бунда “солиқ”, “солиқ ҳуқуқий муносабатлари”, “солиқ ҳуқуқи субъектлари”, “солиқ текшируви”, “камерал назорат” ва “солиқ органи ходимларининг солиқ қонунчилигига оид нормаларни бузганлиги учун жавобгарликлари” каби тушунчаларнинг мазмунини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳимдир.

Илмий адабиётларда солиқ қонунчилигининг мазкур асосий тушунчалари бир нечта олимлар ва амалиётчилар томонидан ҳар хил талқин қилинади. Ваҳоланки, “солиқ” тушунчасининг аниқ ва тўлиқ таърифи



давлат фаолиятининг кўпгина йўналишларида муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий-иқтисодий ва тарихий категория ҳисобланган солиқнинг ҳуқуқий, иқтисодий, тарихий, ижтимоий жиҳатлари ўрганилиши лозим ва қўлланилган ёндашувга қараб солиқ тушунчасининг мазмунига берилган таърифлар бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Илмий асарлар, монографиялар ва дарсликларда солиқ тушунчасига қатор таърифлар берилган, аммо, солиққа хос бўлган белгиларнинг барчаси бу таърифларнинг ҳаммасида ҳам мавжуд эмас.

Масалан, айрим ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар солиққа қуйидагича таъриф беради: **“Солиқлар** – давлат бюджетининг даромад қисмига ўтказиладиган, юқори қонунчилик ҳокимият органларининг ҳужжатларига асосан юридик шахслар ва фуқаролар томонидан беғараз, муайян миқдорда ва белгиланган муддатларда умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун тўланадиган мажбурий тўловлардир”³. Нисбатан мукамал бўлганига қарамаста ушбу таърифда ҳам солиқларнинг қайтариб берилмаслиги, уларнинг бир томонлама белгиланиши каби белгилари акс этмаган.

А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаевлар солиқларга миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир деб таъриф берганлар⁴. Мазкур таърифда ҳам солиқнинг бир қатор белгилари: унинг мажбурийлиги ва қайтариб берилмаслик шарти билан олинishi кўрсатилмаган.

³ А.Ли Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Дарслик. / Масъул муҳаррир: М.Х.Русиамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 398 б

⁴ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й., 377 – бет.

Э.Ходжиевнинг фикрига кўра солиқларга – бу давлатнинг олий вакиллик органи томонидан жорий этилган, юридик хусусиятига кўра қайтариб берилмайдиган, давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларини бажарилишига қаратилган, тегишли бюджетларда

ва бюджетдан ташқари жамғармаларда жамланадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мажбурий тўловлардир⁵, деб таъриф беради. Мазкур таърифда солиқ тушунчасининг барча белгилари кўринсада, унинг бир тарафлама белгиланиши тушуриб қолдирилган.

И.Г.Кузьмина солиққа “давлат ёки унинг ваколатли органининг алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликлари ихтиёрида бўлган чекланган ресурслар йиғиндисидан ишлаб чиқариш (қўшимча ресурслар яратиш) ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун мажбурий тартибда олиб қўйиладиган пул ресурси”⁶ сифатида қарайди. Мазкур келтирилган таърифнинг камчиликларидан бири шундаки, солиқ йиғиш механизми унда аниқ акс эттирилмаган. Давлат ёки унинг ваколатли органлари эмас, балки давлат ўз ваколатли органлари орқали солиқ тўловларини ундиради. Ушбу таърифдан эса давлат солиқларни ўзи учун, унинг ваколатли органлари эса – ўзи учун йиғади, деган хулосага келиш мумкин.

⁵ Ходжиев Э. Солиқ жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги // Иқтисодиёт асослари ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш муаммолари (жиноий ҳуқуқий ва кримнологик жиҳатлар) мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2003. – Б. 211.

⁶ Кузьмина И.Г. Развитие системы налогообложения России: Дисс. ...канд. эконом. наук. – М., 1994. –Б.14.



Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқ тушунчасига: “Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади”, деб таъриф берилган.

Солиқ тушунчасига берилган юқоридаги таърифда солиқнинг муҳим ҳуқуқий белгиси – уни белгилаш тартиби акс эттирилмаган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида солиқлар рўйхати ва уларни ундириш тартиби давлат томонидан бир тарафлама тартибда, аҳолининг розилигисиз белгиланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” ги Қонунида белгиланган нормативларга асосланиб айтадиган бўлсак, **прокурор назорати** – прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат бўлган фаолиятдир⁷. Яъни давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар прокурорлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш йўли орқали қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон (<http://lex.uz/docs/106197>)

Бевосита солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, А.Б.Афониннинг фикрича, **солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг** моҳияти давлат ва жамиятнинг солиқ ҳуқуқий муносабатлари асосида вужудга келадиган, фуқароларнинг манфаатлари билан бевосита алоқадар бўлган фаолият ҳисобланиб, прокуратура органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, аниқлаш ва баҳолаш, бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш ҳамда айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш билан боғлиқ бўлган фаолият ҳисобланади⁸.

Рус олими А.В.Паламарчукнинг таъкидлашича, **солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан прокурор назорати** прокуратура органлари фаолиятининг муҳим асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва прокуратура органлари “Россия Федерацияси прокуратура органлари тўғрисида”ги Федерал Қонун асосида мазкур соҳада тизимли текширувни амалга оширади. Бунинг натижасида, нафақат ҳуқуқбузарликлар аниқланади, балки ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича чоралар кўрилади ва тегишли таъсир чоралари қўлланади⁹.

Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам, ўзбек олимларининг илмий ишланмаларида ҳам солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати

⁸ Афонин А.Б. Прокурорский надзор за исполнением налогового законодательства (на примере калужской области). Судебная власть и уголовный процесс. М., 2016, –№ 3. –С.110. www.cyberleninka.ru

⁹ Паламарчук А.В. Актуальные вопросы прокурорского надзора за исполнением федерального законодательства. М., 2014. –С.189.



тушунчасининг мазмунига бирор бир таъриф берилмаган. Ваҳоланки, солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий хавfli қилмишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг нисбатан янги тури сифатида ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганишни талаб этади.

Шу сабабли, **И.В.Александров** фикрига кўра, муайян тушунчанинг мазмунини қонун йўли билан мустаҳкамлаш ҳар бир соҳада, хусусан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашиш усул ва услубларини ишлаб чиқишнинг бош омили ҳисобланади¹⁰.

Бизнинг фикримизча ҳам солиқ органларида нафақат солиқ соҳасига тааллуқли бўлган қонунларга, балки мамлакатдаги бутун қонунчиликка, масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишлари устидан прокурор назоратини олиб бориш тушунчасини қонунчилигимизда аниқ белгилаб қўйиш лозим. Шунда прокурор нимани назорат қилиши, қандай ҳолат юз берганда жавобгарлик белгиланиши лозимлиги чегалари аниқ ва тушунарли бўлади деб айтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўзининг ҳуқуқ тизими ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи мустақил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи субъектига эга бўлди. Давлатнинг ушбу ҳокимият органи ўткан йиллар давомида кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилди. Хусусан, тадқиқот мавзуси билан бевосита боғлиқ бўлган солиқ қонунчилиги ва прокурор назорати ҳамда унинг фаолиятини тартибга

солувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бизнинг фикримизча, мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган муҳим қонун ва норматив ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш олишимиз мумкин. Биринчи гуруҳга солиқ органлари фаолиятларини белгиловчи ва уларнинг ўз фаолиятларида риоя этишлари лозим бўлган **умумий** ҳуқуқий асосларини, иккинчи гуруҳга эса солиқ органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган **махсус** ҳуқуқий асосларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик, Солиқ кодексларини, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги, “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг [“Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”](#)ги, “Хорижий валютада солиқ бўлмаган давлат тўловларини олиш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги, “Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонлари, “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими

¹⁰ Александров И.В. Налоговые преступления: Криминалистические проблемы расследования. – СПб., 2002. –С.34, 37.



тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида”ги, [“Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад \(фойда\) солиғи ва ягона солиқ тушуми бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги](#), “Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар узатиш тармоғини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни ахборот билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари

Иккинчи гуруҳга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларини, Ўзбекистон

Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги, Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ ва божхона ислохотларини ҳуқуқий жиҳатдан кузатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини киритишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарорлари киритиш мумкин.



Бевосита солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш тартиби ҳақида тўхталишдан олдин бир қатор конституциявий нормаларга эътибор қаратишни лозим топдик. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига кўра, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлиги белгиланган¹¹. Шунингдек, ушбу норма Солиқ кодексининг 6-моддасида ҳам ўз ифодасини топган¹².

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида прокуратура органлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ ва валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган солиқ ва божхона ислохотларини ҳуқуқий жиҳатдан кузатиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5499-сон фармони ижроси юзасидан қабул

қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида Бош прокуратурада бошқарма (10.6 индекс), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларининг солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт ва Ҳарбий прокуратураларининг қонунилик ижроси устидан назорат бўлимлари солиқ ва божхона соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни олиб борган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5690-сонли фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосарлари, туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг ўринбосарлари ва ёрдамчилари лавозимлари тугатилди.

Шундай бўлсада, яъни мавжуд бошқарма ва тегишли мансабдорлик лавозимлари тугатилганлиги билан солиқ ва божхонага оид қонунлар

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (<http://lex.uz/docs/20596>)

¹² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон



ижроси устидан прокурор назорати ҳам тугатилди деб ҳисоблаш мутлақо ҳато фикрдир. Чунки прокурорнинг қонунлар ижроси устидан назорат предмети доирасига вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](#) ва қонунларига мувофиқлиги кирар экан солиқ ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорат олиб бораверади. Чунки Давлат солиқ кўмитаси ҳам, Давлат божхона кўмитаси ҳам, прокурорнинг назорат объектлари сираси киради.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши бўлган қонунлар ижроси устидан назорат ҳамда солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан қатъий назорат олиб борилиб, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида мутасадди идоралар фаолияти устидан назорат амалга оширилмоқда.

Хусусан, прокуратура органлари **Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини сервисга айлантириш соҳасида:**

- солиқ органлари ходимларининг малакасини ошириш, улар томонидан солиқ тўловчиларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиши устидан назорат ўрнатиш;

- солиқ органлари томонидан солиқ назоратининг янги усулларини қўллашда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш орқали солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда янада қулай шароитлар яратилишини таъминлаш вазибаларини амалга оширмоқда

Бундан ташқари, **солиқ органларининг бюджетга қўшимча даромадлар захираларини аниқлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:**

- солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг тўоик қамоаб олиниши, шунингдек, солиқларнинг йиғилувчанлиги устидан назоратни амалга ошириш;

- солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича солиқ, божхона, молия органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ташкилотлар ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни ташкил этиш;

- солиқ тўловчилар маълумотлар базасининг тўлақонли юритилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини аниқлаш мақсадида солиқ тўловчилар паспортизацияси бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- солиқ органларига солиққа тортиш базаларини яшириш хатари юқори бўлган ва солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни аниқлашда кўмаклашиш;

- солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш функциялари ҳам прокуратура органлари зиммасига юклатилган¹³.

Таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари томонидан давлат солиқ

¹³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 200-сонли буйруғи. Диплом олди амалиёт даврида тўпланган маълумотлардан.



хизмати органларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўлланилиши, шунингдек текширув ҳужжатларини рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш, тааллуқлилиги бўйича бошқа органларга юбориш жараёнида қонун талабларига риоя қилиниши **ҳар ойда** текшириб турилади.

Прокуратура органлари томонидан солиқ, валютага оид ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш соҳасидаги қонунбузилишлар юзасидан терговолди текширув ва суриштирув устидан назоратни амалга оширишда, маъмурий, жиноят ишлари ва жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги ҳужжатлар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги **доимий равишда** текширилиб, ноқонуний қарорлар ўз вақтида бекор қилинади.

Бундан ташқари, давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги **ҳар ойда** ўрганиб борилади ва бу ҳақида қабул қилинган қарорлар асосли деб топилган тақдирда, вилоят прокурорлари томонидан тасдиқланган хулосалар тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 382-моддасига асосан суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан ҳам назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг Жиноят процессуал кодексига белгиланган тартиби,

чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг бир соҳасидир.

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли прокурор назорат ҳужжатини қўллаш ҳам прокуратура органларининг мажбурияти ҳисобланади. Давлат солиқ хизмати органларида қонунбузилиш, шунингдек, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан субъектив тарзда, танлов асосида талқин қилиниши ҳолатлари ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш учун мазкур органларнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини **ҳар чоракда** таҳлил этиб боради.

Амалдаги Солиқ кодексининг 18-бобида солиқ тўловчиларнинг Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят беришилишининг фақат ёзма шакли ҳамда кимларган мурожаат қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган¹⁴. Лекин Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари”ги ЎРҚ-445-сонли Қонунида эса мурожаатларнинг ёзма, оғзаки ва электрон шакллари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган ва Солиқ кодексига акс этмай қолган. Сабаби Солиқ кодекси қабул қилинган пайтда

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 122-125-моддалари. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон.



электрон шаклдаги мурожаат шакли мавжуд эмас эди.

Бундан ташқари, бугун жисмоний ва юридик шахслар нафақат шикоят қилаётган органнинг юқори турувчи органи ёки мансабдор шахсига ёки судга мурожаат қилишга ҳақли, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси “Ишонч телефони”нига мурожаат қилишга ҳақли.

Шу сабабли янги таҳрирда қабул қилинаётган Солиқ кодексида ушбу масалага оидинлик киритиб кетиш, яъни Солиқ кодексини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари”ги ЎРҚ-445-сонли Қонунига мувофиқлаштириш лозимлигини таклиф қиламиз. Зеро, қабул қилинаётган ҳар қандай қонун имкор даражасида мукамал бўлиши лозим. Илова 5 варақда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ички ва ташқи бозор талабларини қондиришга йўналтирилган, интеграциялаштирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий мулк ҳуқуқи демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти ҳуқуқий пойдеворининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич

Каримов таъкидлаганидек, “...Соҳа ривожини учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганлигини таъкидлаш лозим”¹⁵.

Биламизки, давлат ҳаётидаги энг асосий соҳалардан бири, давлатнинг асосий таянчи бу унинг иқтисодиётидир. Иқтисодиёти бақувват давлат ҳаётидаги мавжуд барча соҳалар иқтисодиётга боғлиқ равишда изчил ва барқарор бўлади. Мамлакатимизда ҳам биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан узоқ ва оқилона ўйланган иқтисодиётни модернизация қилиш борасида бошлаб берилган ва бугун Президентимиз Мирзиёев Шавкат Миромонович томонидан амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўз натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақтда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Ушбу қўлга киритилган ютуқлар бардавом бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 4-мартдаги “2015-2019-йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва

¹⁵ Каримов.И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” халқаро конференциядаги маърузаси. //Халқ сўзи, 15.09.2012 й.



диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4707-сонли фармони, 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 4848-сонли фармони ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, республикамизда ишбилармонлик муҳити яхшиланмоқда, тадбиркорларга янада кўпроқ афзаллик ва преференциялар берилмоқда, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик кафолатлари яратилмоқда. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, республикада инвестиция иқлимини ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Қабул қилинаётган ушбу қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши юқорида таъкидланганидек, прокуратура органларининг асосий фаолияти йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, прокуратура органлари томонидан соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси назорат қилиниб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларнинг фаолиятига асосиз аралашувларнинг

олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани хусусий секторнинг ривожига муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, тегишли давлат дастурлари, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича прокурорлик фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи, «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашни кучайтириш ҳақида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги кўрсатмалари ижроси юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Навоий вилоят прокуратураси томонидан ушбу йўналишда 15 та назорат тадбири ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича 130 га яқин прокурор назорати ҳужжати қўлланди, 120 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланди¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳам тугатилиб, унинг вазифа ҳамда функциялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

¹⁶ Қонунчилик ижроси прокуратура органларининг доимий назоратида.
<http://huquqburch.uz/uz/article/4874/>



ҳимоя қилиш бўйича вакил тасарруфига ўтказилди.

Бугун тадбиркорларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши, қонунлар моҳиятини тушуниб етиши нафақат давр талаби, балки ҳаётини эҳтиёжга айланди. Ҳуқуқини билган мулкдор ҳаққини талаб қила олиши баробарида қонунларга итоаткор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларига нисбатан бурчли бўлади.

Шу маънода тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга доир прокурор назорати фаолияти билан бир қаторда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, соҳа фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базаси билан уларни яқиндан таништириш, бевосита мулоқот ўтказиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари давлат ҳокимияти ҳамда назорат қилувчи идоралар ҳамкорлигида ҳар ойда икки маротаба учрашувлар ўтказмоқда. Таъкидлаш лозимки, учрашувларда мавжуд муаммолар бартараф этилиб, тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга оширишга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга қонуний ечим топилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг www.prokuratura.uz расмий интернет саҳифасида келтирилишича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида прокуратура органлари томонидан 172 та ана шундай учрашув ташкил этилиб, уларда 4,4 мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Ушбу тадбирлар давомида 42 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳат берилди. Шу билан бирга, мурожаатлар натижалари бўйича давлат идоралари билан ҳамкорликда 14 та тадбиркорлик

субъектига 1,8 млрд. сўмлик кредит ажратилишида ва бошқа ҳужжатларнинг расмийлаштиришида ёрдам берилди.

Оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилишга оид махсус рўнлар, эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилди. Уларда прокуратура органлари амалга ошираётган чора-тадбирлар, қўлланган прокурор назорати ҳужжатлари, жавобгарликка тортилган шахслар хусусида маълумот берилмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини ўз вақтида ва тезкорлик билан таъминлаш мақсадида прокуратура органларида «ишонч телефони»нинг ташкил этилгани прокурор назорати механизми таъсирчанлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Улар орқали келиб тушган барча мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича прокурор назорати ҳужжатлари қўлланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонун ҳужжатлари устидан назорат, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонун устуворлигини таъминлаш, қонунбузарликларга қарши курашиш тараққиётнинг муҳим омили бўлибгина қолмай, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиршини таъминлашга, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этиладиган фуқаролик жамияти барпо этилишига хизмат қилади.



References:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 декабрь. № 247 (6941-сон).
2. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси”. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 55 б.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. –Т.; «Ўзбекистон». 1992 – б.13
4. Каримов И.А. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”. 19 том. — Т.: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
5. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.28.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” халқаро конференциядаги маърузаси. //Халқ сўзи, 15.09.2012 й.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: - “Ўзбекистон” нашриёти, 1996 й., 64 бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, Ўзбекистон бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: 1998, –Б.126.
9. О.М. Мадалиев Прокурор назорати. Дарслик. Махсус қисм –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –804 бет.
10. Прокурорский надзор. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. - Нукус: “Билим”, 1999 - 320 с.
11. Прокурорский надзор: учебник для студентов вузов, курсантов П80 и слушателей образовательных учреждений высшего профессионального образования МВД России, обучающихся по специальности “Юриспруденция” / под ред. О.А. Галустьяна, А.В. Ендольцевой, И.И. Сыдорука. — 6-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2010. - 471 с.
12. Осипкин В. Н. Прокурорский надзор ... С. 24 ; Матузов Н. И., Малько А. В. Теория государства и права : учебник. М., 2001. С. 311 ; Никитин Л. Н., Рохлин В. И., Никитин Е. Л. Указ. соч. С. 7—8.